

**ОИЛА-ТУРМУШ МУНОСАБАТЛАРИ ДОИРАСИДА МАЪМУРИЙ
ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИ КЕЛТИРИБ ЧИҚАРУВЧИ ОМИЛЛАР****Тоғаева Мохидил Нурмухамматовна**

ИИБ Академияси Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси

ва криминология кафедраси ўқитувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7575006>

Маълумки, дунёдаги барча давлатларнинг миллий қонунчилигида шахс ҳуқуқ ва эркинликлари, ҳаёти, соғлиғи, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлашнинг самарали механизмини шакллантириш ва уни ҳуқуқий тартибга солишга алоҳида эътибор қаратилади. Ўзбекистонда ҳам шахснинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг самарали механизми жорий қилинган. Айниқса, оила-турмуш муносабатлари доирасида шахснинг шаъни қадр-қиммати ва соғлиғига қарши ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича ноёб, миллий ва ўзига хос самарали механизм яратилган. Оилада турли маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этилишига ҳамда уларни содир этувчи шахсларда ғайриижтимоий хусусиятларнинг шаклланишида оиладаги муҳитнинг ўрни беқиёсдир. Шуниси эътиборга лойиқки, оиладаги носоғлом муҳит ҳар қандай маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг, ёхуд оғир ва ўта оғир жиноятларнинг содир этилишини таъминловчи криминоген омиллардан биридир.

Жумладан, 2021 йилда содир этилган қотиллик жиноятларининг ҳар учинчиси 158 таси (37,1 фоизи), оғир тан жароҳати етказиш жиноятининг 190 таси (14,4 фоизи) оилавий муносабатлар туфайли содир этилган. Оилавий низоларга ўз вақтида барҳам берилмаганлиги оқибатида 14 935 та ҳуқуқбузарлик содир этилган. Уларнинг 60 фоиз (8 589 таси) Тошкент шаҳар, Тошкент, Бухоро, Самарқанд ва Фарғона вилоятлари хиссасига тўғри келади.[1]

Таъкидлаш керакки, оилада содир этиладиган маъмурий ҳуқуқбузарликлар ўзига хос сабабларга эга эканлиги билан бошқа маъмурий ҳуқуқбузарликлардан ажралиб туради. Оилада маънавий-ахлоқий муҳитни соғломлаштиришнинг энг асосий йўналишларидан бири оиладаги тарбия масаласидир. Бу борада Абдулла Авлоний таъкидлаганидек, «Тарбия бизлар учун ё ҳаёт, ё мамот, ё нажод, ё ҳалокат, ё саодат, ё фалокат масаласидир»[2].

Оилада зўравонлик билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар ахлоқ-одоб меъёрларига зид маънавий-ахлоқий бузуқлик бўлиб, у асосан эр-хотин, ака-ука, опа-сингил, фарзанд ва ота-она, қайнона-келин ҳамда қариндош-уруғлар ўртасида содир этилиши билан жамият учун ижтимоий хавфи юқори бўлган омиллардан биридир.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, дунё бўйлаб 35 % хотин-қизлар ҳаёти давомида яқин шерик ёки бошқа шахс томонидан жисмоний ёки жинсий зўравонликка учраган. Дунёда аёллар қотилликларининг 38 фоизигача яқин эркак шериклари томонидан содир этилади. Мазкур ташкилотнинг таъкидлашича, зўравонлик хотин-қизларнинг жисмоний, руҳий, жинсий ва репродуктив саломатлигига салбий таъсир кўрсатиши ҳамда ОИВ инфекцияси хавфини ошириши мумкин.

Зўравонлик нафақат жабрдийдалар ва уларнинг оилалари ҳаёти ва соғлиғида салбий оқибатларга, балки жамиятни сезиларли ижтимоий-иқтисодий харажатлар қилишига ҳам олиб келади. Айрим мамлакатлар гендер зўравонлик натижасида ялпи ички маҳсулотнинг 3,7 фоизига йўқотади. Бу аксарият ҳукуматлар таълим тизимида сарфлайдиган маблағдан 2 баробар кўп.

Хусусан, 2018 йил 2 июлдаги “Ижтимоий реабилитация қилиш ва мослаштириш, шунингдек, оилавий-маиший зўрлик ишлатишнинг олдини олиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги[3] ПҚ-3827-сон ҳамда 2021 йил 19 майдаги “Зўрлик ишлатишдан жабр кўрган хотин-қизларни реабилитация қилишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги[4] ПҚ-5116-сонли Президент қарорларида жамиятда оилавий-маиший тусдаги зўрлик ишлатишнинг ҳар қандай кўринишига нисбатан, биринчи навбатда, яқин қариндошлар томонидан мурасасиз муносабат муҳитини, шу жумладан, жазо муқаррарлигини таъминлаш, оғир ижтимоий аҳволдаги шахсларни қўллаб-қувватлаш орқали қарор топтириш зарурлиги қайд этилган.

Оиланинг - шахс маънавий шаклланишидаги криминологик ва психологик аҳамияти шундаки, инсон шахсининг пойдевори оилада қурилади. Инсон ўзини ўраб олган дунё ҳақидаги дастлабки билимни, яхши ва ёмон ҳақидаги ахлоқ нормалари ҳақидаги дастлабки тасаввурни, биринчи тарбиявий сабоқни оилада олади, шахс сифатида дастлабки қадамни оилада қўяди. Шунинг учун инсон тарбияси у туғилган кундан бошланмоғи лозим.

Оила мустақамлиги биринчи навбатда оила муҳитига боғлиқ. Оила муҳити асосини биринчи навбатда оиланинг ядроси бўлмиш эр-хотин муносабатлари ташкил этади. Оилада эр-хотин ўртасидаги муносабатлар бола тарбиясида муҳим ўрин эгаллайди. Таъкидлаш керакки, нотинч оилаларда маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этилишини тақозо этувчи ва уни таъминловчи криминоген омиллар бир-бири билан узвий боғлиқ бўлиб, оиладаги носоғлом турмуш тарзи оқибатида вужудга келган салбий одатларнинг оқибатидир. Ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган оилаларда маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг келиб чиқиш сабаблари ва унга олиб келган шарт-шароитлар ўрганиб чиқилганида, қонунга ёки қонун ижросига путур етказадиган, унга риоя қилишга тўсқинлик қиладиган омилларни айнан оилалардан излаш лозимлигини кўрсатмоқда. Зотан, ҳар қандай ҳуқуқбузарликнинг келиб чиқишида оиладаги носоғлом ижтимоий-руҳий муҳит муҳим рол ўйнайди.

Оилада носоғлом турмуш тарзининг шаклланишида оиладаги шахслар ўртасида вужудга келадиган ижтимоий муносабатларнинг ўрни катта. Носоғлом турмуш шароитлари таъсирида юзага келган шахснинг салбий ахлоқий-руҳий хусусиятлари ва ташқи объектив ҳолатларнинг ўзаро таъсири жамиятда юриш туриш қоидаларига бўйсинмаслик хулқ-атворини вужудга келтириши мумкин бўлиб, бунда салбий ахлоқий-руҳий хусусиятлар ҳал қилувчи роль ўйнайди. Салбий ахлоқий хусусиятлар шахснинг ҳуқуқбузарлик содир этишига кўмаклашувчи ва унга шарт-шароит яратувчи муҳим омил ҳисобланади.

Оилада хотин-қизлар томонидан содир этилган ҳуқуқбузарликларнинг ошиб бориши, улар ўртасида ичкиликбозлик, фоҳишалик, гиёҳвандлик иллатларининг ортиб бораётганлиги, аёлларнинг “оммавий маданият” таъсири остида миллий урф-одат ва

анъаналарни менсимаслиги, кексалар ва фарзандларга бўлган эътиборсизлик, эркакдан кўпроқ пул топиб, ўзини сўзини ўтказишга ҳаракат қилиши, маънавий жиҳатдан бузилиши каби омиллар сабаб бўлиши кузатилмоқда.

Оилада хотин-қизлар томонидан содир этилган ҳуқуқбузарликларни кўриб чиқиш жараёнида келиб чиққан низонинг сабаблари ва унга имкон берган шарт-шароитларини ўрганмаслик, унга эътиборсизлик билан қараш ва уни юзаки кўриб чиқиш, якка тартибдаги профилактикани тўғри ташкил қилмаслик, оилавий жанжалларни аниқлашдаги сусткашликлар ҳамда ўз хизмат вазифасига бефарқлик билан қараш, ваколатли органлар ўртасида ҳамкорликнинг етарли даражада йўлга қўйилмаганлиги ушбу турдаги ҳуқуқбузарликларнинг кўпайишига сабаб бўлмоқда.

Инсон ҳаёти давомида ўзини ўраб турган ижтимоий муҳитнинг таъсири остида бўлади. Шу боисдан ҳам, унинг шаклланиши жараёнида маълум криминоген факторлар унга ижобий ёки салбий таъсир қилиб, инсон шахсида ижобий ёки салбий хусусиятлар шаклланиши ва ривожланишига таъсир қилади. Шунинг учун ижтимоий жиҳатдан ҳавфли аҳволда бўлган оилаларда соғлом муҳитни шакллантиришда қуйидаги чоратадбирларнинг бугунги кундаги таъсир доирасини кенгайтириш лозим:

— оила муҳитига таъсир этувчи ички ва ташқи салбий омилларни ўрганиш ва уларни таҳлил қилиш ҳамда ўз вақтида бартараф қилиш;

— оилада оила аъзолари ва қариндош-уруғлар ўртасида бузилган ижтимоий-миллий муносабатларни яъни қариндошлар ўртасидаги меҳр-оқибат билан боғлиқ қадриятларни тиклаш чораларини кўриш;

— оилада спиртли ичимликлар, гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар истеъмол қилувчи шахсларни аниқлаш ва уларни мажбурий даволаш муассасаларига юбориш ҳамда ушбу тоифадаги шахсларни доимий тарзда ижтимоий мослаштириш ва реабилитация қилиш чораларини кўриш;

— фарзанд тарбиясига салбий таъсир кўрсатувчи ота-оналарни ўз вақтида аниқлаш ва уларнинг муаммоларини ўрганиш, шунингдек уларга нисбатан тегишли профилактик чораларни самарали қўллаш;

— оила-турмуш доирасида бир-бирлари билан салбий муносабатда бўлган шахсларни аниқлаб, оиладаги низо, жанжал ёки келишмовликларни бартараф этиш чораларини кўриш;

- оилаларда миллий қадрият ва анъаналарга ҳурмат билан муносабатда бўлиш ҳамда фарзандларни миллий қадриятлар руҳида тарбиялашга эътибор қаратиш.

Ҳулоса ўрнида жамиятнинг ҳар бир вакили яъни барча оила аъзолари ижтимоий муносабатларга киришиш жараёнида ҳуқуқ ва эркинликларидан фойдаланиш асносида ўз мажбуриятларини виждонан ҳис этиб бажарар эканлар, оилада барқарорлик юзага келади ва провард натижада ўз-ўзидан ҳуқуқбузарликларнинг келиб чиқиши самарали тарзда олди олинади. Буларнинг барчаси халқнинг, юртнинг равнақиға, келажак авлоднинг баркамол ўсиб улғайишида, шунингдек оилаларда маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг камайиши келгусида аянчли оғир турдаги жиноятларнинг олдини олишда катта ҳисса қўшишини ҳар биримиз англаб етмоғимиз лозим.

References:

1. <https://Lex.uz/uz/docs/5934521>
2. Абдулла Авланий. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. – Т., 1992. – Б. 14.
3. <https://lex.uz/docs/3804821>
4. <https://lex.uz/docs/5426644>.